



## Ислом Нури

Мухтарам ота-оналар, бу дарсда Банда динини қандай танийди? саволи атрофида сабоқ берилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қиладилар: Фарзандларингизга ва ахлларингизга яхшиликни-динни таълим беринг, уларга одобни ҳам ўргатингиз (Абдураззоқ ривояти). Шубҳасиз яхшиликнинг энг улуги диндир. Баъзи оятлар ва ҳадисларда яхшиликдан мақсад дин эканлиги баён қилинган. Банда диний илм билан шугулланишининг савоби беҳисоб, унинг қалбида нур ва борар жойи иншааллоҳ жаннатдир.

1. Савол:

Болажоним, банда динининг мартабаси, даражаси нечта бўлади?

Жавоб: Учта бўлади.

2. Савол: Улар қайсилар?

Жавоб: Ислом, Иймон ва Эҳсондир.

3. Савол: Болажоним, Ислом нима дегани?

Жавоб: Аллоҳга таслим бўлиш.

4. Савол: Исломнинг асослари нечта?



## Ислом Нури

Жавоб:

Исломнинг асослари бешта.

5. Савол: Улар қайсилар?

Жавоб: Ла

илаха иллаллох, Мухаммад Расулуллох деб гувоҳлик бериш; намоз ўқиш; закот бериш;  
рўза тутиш ва кучи етганда хажга бориш.

6. Савол: Болажоним, закот бериш  
нима дегани?

Жавоб: Бойлар ўз пулларидан озгинасини камбагалларга бериш  
дегани.

7. Савол: Болажоним, ҳар доим бериш керакми?

Жавоб: Йўқ

дадажон, атига бир йилда бир марта.

8. Савол: Болажоним, рўза тутиш нима  
дегани?

Жавоб: Тонгдан то куёш ботгунча овқат емаслик, сув ичмаслик

9. Савол: Болажоним, ёш болалар ҳам рўза тутадими?

Жавоб: Ҳа

дадажон, агар кўлидан келса тутади йўкса каттарок бўлганда тутади.